

“PORTLATISHSANOAT” АЖ  
Kuzatuv kengashining 2025-йил  
11 avgustdagı 7-son bayooqotması bilan  
“ТАСДИҚЛАНГАН”



**«PORTLATISHSANOAT»  
акциядорлик жамияти  
УСТАВИ  
(янги таҳрирда)**

Тошкент – 2025 йил

## МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	3
II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ .....	5
III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНинг (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ .....	5
IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ .....	6
V. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КАМАЙТИРИШ .....	7
VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНД ТЎЛАШ ТАРТИБИ .....	7
VII. ЖАМИЯТ ФОНДЛАРИ .....	8
VIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ .....	9
IX. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ .....	22
X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	22

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида” ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.
2. “PORTLATISHSANOAT” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – “Жамият”) 1999 йил 5 августдаги Тасисчилар йигилиши қарорига мувофиқ “Портлатишсаноат” жамоя корхонаси асосида қайта ташкил этилган ва унинг хукукий вориси хисобланади.
3. Жамият 1999 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1256-ракам билан рўйхатдан ўтказилган (2001 йил 5 изолда Адлия вазирлиги томонидан гувохнома берилган).
4. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида” ги Конуни, “Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ги Конуни ҳамда бошқа норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ амалга оширади.
5. Жамиятнинг тўлик фирма номи:  
лотин алифбосида ўзбек тилида — «PORTLATISHSANOAT» aksiyadorlik jamiyat;  
кирил алифбосида ўзбек тилида — «ПОРТЛАТИШСАНОАТ» акциядорлик жамияти;  
рус тилида — Акционерное общество «ПОРТЛАТИШСАНОАТ»;  
инглиз тилида — Joint-Stock Company «PORTLATISHSANOAT».

Жамиятнинг кискартирилган номи:

- лотин алифбосида ўзбек тилида — «PORTLATISHSANOAT» AJ;  
кирил алифбосида ўзбек тилида — «ПОРТЛАТИШСАНОАТ» АЖ;  
рус тилида — АО «ПОРТЛАТИШСАНОАТ»;  
инглиз тилида — JSC «PORTLATISHSANOAT».
6. Жамиятнинг жойлашган ери, юридик ва почта манзили:  
Юридик манзили: 100121, Тошкент шахар, Яккасарой тумани, Богибўстон кўчаси, 139 уй.  
Жойлашган ери ва почта манзили: 100121, Тошкент шахар, Яккасарой тумани,  
Богибўстон кўчаси, 139 уй.  
Жамиятнинг электрон почта манзили: [main.department@vzryuvprom.uz](mailto:main.department@vzryuvprom.uz)  
Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.blast.uz](http://www.blast.uz)

7. Жамият юридик шахс хисобланади ва у мустакил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, жумладан устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга. Жамият ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятларни зиммасига олиши, судда даъвогар ёки жавобгар бўлиши мумкин.
8. Жамият Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ Ўзбекистон худудида ҳамда унинг ташқарисида банк ҳисоб ракамларини очиш хукукига эга.

9. Жамият давлат тилида тўлик ёзилган фирма номи ва жойлашган манзили кўрсатилган юмалок муҳрга эга бўлиши хукуқига эга. Муҳрда бир вактнинг ўзида бошқа тилдаги фирма номи хам кўрсатилиши мумкин.
10. Жамият ўз номи туширилган штамп ва бланкаларга, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ва фукаролик муомаласидаги иштирокчилар, товарлар, ишлар ва хизматларнинг индивидуализация воситаларидан фойдаланиш хукуқига эга.
11. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавоб беради.
12. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмаслар ва жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган заرارларни, уларга тегишли бўлган акциялар киймати доирасида таваккал киладилар.
13. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.
14. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, жамият хам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.
15. Жамиятнинг мол-мулки унга мулкий хукуқ асосида тегишли бўлиб, акцияларни жойлаштиришдан тушган маблаглар, асосий фондлар ва айланма маблаглар, кўчар ва кўчмас мулк, кимматли қоғозлар, олинган даромадлар хамда конунчиликда тақиқланмаган бошқа асосларда олинган мол-мулклардан иборат бўлади.
16. Жамият белгиланган конунчилик тартибда юридик шахс макомига эга бўлган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.
17. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ташкил этиши хамда жамият Устави ва конун хужжатларида белгиланган доирада уларга ваколатлар бериш хукуқига згадир.
18. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудидан ташкарида янги шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши, хамда жамият Устави ва конун хужжатларида белгиланган доирада уларга ваколатлар бериш хукуқига згадир. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси худудидан ташкарида филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очиши мазкур филиал ва ваколатхоналар жойлашган мамлакат конунчилигига мувофиқ амалга оширилади, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида бошкача коида белгиланмаган бўлса.
19. Жамиятнинг филиал ва ваколатхоналари юридик шахс хисобланмайди. Улар жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдикланган Низомлар асосида фаолият юритадилар.
20. Жамият ўз фаолиятини мувофикаштириши, манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш хамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоклар) ва бошқа бирлашмаларда иштирок этиши мумкин.
21. Жамият чекланмаган муддатта ташкил этилган.

## **II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ**

22. Жамият тижорат ташкилоти хисобланади ва унинг асосий максади молия-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.
23. Жамиятнинг асосий фаолияти портлатиш ишларини амалга ошириш хисобланади.
24. Ўз фаолияти максадларига эришиш учун Жамият куйидаги фаолият турларини амалга оширади:
  - кудук ва шпурларни бургилаш;
  - бургилаш ва портлатиш ишларини лойихалаштириш;
  - бургилаш, транспорт ва бошқа ускуналарни таъмирлаш ва созлаш;
  - курилиш-таъмирлаш ишлари;
  - конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари.
25. Махсус руҳсатнома (лицензия) талаб килинадиган фаолият турларини амалга ошириш учун Жамият тегишли лицензияни олгандан сўнг ушбу фаолиятни амалга ошириш хукукига эга бўлади.

## **III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИННИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ**

26. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар томонидан олинган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифода этилади.
27. Жамиятнинг устав капитали 2 308 855 050,42 (иккى миллиард уч юз саккиз миллион тўрт юз эллик беш минг эллик) сўм 42 тийинни ташкил этади ва 2 109 102 дона ҳужжатсиз номига ёзилган акцияларга бўлинган, хар бир акциянинг номинал қиймати 1 094,71 (бир минг тўқсон тўрт сўм 71 тийин) сўмдан. Уларнинг 2 009 102 донаси оддий номига ёзилган акциялар, 100 000 донаси эса имтиёзли номига ёзилган акциялардир.<sup>1</sup>
28. Жамиятнинг устав капитали жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолетловчи энг кам микдорини белгилайди.
29. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт ва имтиёзли акцияларни жойлаштириш хукукига эга. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамиятнинг устав капитали микдорининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги дозим.
30. Устав капитали микдорини ошириш максадида, жойлаштирилган акциялардан ташқари кўшимча чиқарилиши мумкин бўлган зълон қилинган акциялар сони 9 246 587 (тўккиз миллион иккى юз кирк олти минг беш юз саксон етти) дона номига ёзилган

оддий акциялардан иборат бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати 1 094,71 сўмни ташкил этади.

#### **IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ**

31. Жамиятнингуставкапиталикўшимчаакцияларнижойлаштиришоркаликўпайтирилиши имумкин.
32. КўшимчаакцияларжамиятУставидабелгиланганэълонкилинганаакцияларсонидоираас идагинажойлаштирилишимумкин.
33. Кўшимчаакцияларнижойлаштиришйўли билануставкапиталиникўпайтириштўғриси дагикарордажойлаштириладиганакцияларнингумумийкыймати, сони, тури, номиналкыймати, жойлаштириштартиби, усули, муддати, жойлаштириш (биржавабиржаданташкарибозорларгачикариш) нархи, тўловтартиби, амалгаошмагандебтопишулушхамдаамалгаошмагандебтопилганҳоддатўланганимаблагларникайтариштартибианикбелгиланишилозим.
34. Кўшимчачикарилаёттанакцияларочикваёпиқобунашклидажойлаштирилади.
35. УставкапиталиникўпайтиришваУставатегишилиўзгартиришларкиритиштўғрисидағ икароржамиятнингКузатувкенгашитомониданкабулкилинади.
36. Уставкапиталиникўпайтиришжалбкилинганинвестициялар, жамиятнингўзкапиталивахисоблангандивидендлархисобига, амалдагиконунчиликдабелгилангантартибдаамалгаоширилишимумкин.
37. Агаруставкапиталижамиятнингўзкапиталихисобигакўпайтирилаётганбўлса, кўшимчаакцияларбарчаакциядорларўртасидатаксимланади. Бунда ҳар бир акциядорга тегишили бўлган акция турига мутаносиб равиша шундай турдаги акциялар берилади. Устав капитали кўпайтирилиши натижасида битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмаса, устав капитали кўпайтирилишига йўл кўйилмайди.
38. Жамият томонидан акциялар ва акцияларга айирбошланадиган, пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий кимматли коғозлар жойлаштирилганда, овоз бериш хукукига эга акцияларнинг эгалари ушбу акцияларнинг мутаносиб кисмига нисбатан уларни имтиёзли тартибда олиш хукукига эгадирлар.
39. Имтиёзли хукукка эга шахслар рўйхати кимматли коғозларни чикариш тўғрисида карор кабул қилинган санадаги акциядорлар реестри маълумотлари асосида тузилади.
40. Кўшимча чикариладиган акциялар умумий акциядорлар йигилиши томонидан тасдиқланган нархда, аммо номинал қийматдан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.
41. Акцияларни жойлаштириш тўғрисида карор кабул қилинганда, жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштирилганда, жойлаштириш (биржа савдолари ва биржадан ташкари бозорга чикариш) нархи акциядорлар умумий йигилиши ёки Устав

ёки карорга мувофиқ ваколат берилган Кузатув кенташи томонидан қимматли қоғозлар бозоридаги нарх конъюнктурасига асосан белгиланади, лекин номинал қийматдан кам бўлмаслиги шарт.

42. Жамиятнинг устав капитали ўз капитали хисобига ёки дивидендерлар хисобига кўшимча акциялар билан тўланган холда қўпайтирилганда, бундай акциялар жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича жойлаштирилади.

## **V. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КАМАЙТИРИШ**

43. Жамиятнинг устав капитали акцияларининг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини кискартириш орқали, жумладан жамият томонидан акцияларининг бир кисмини сотиб олиб, кейинчалик уларни бекор қилиш йўли билан камайтирилиши мумкин.
44. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг микдори қонунчиликда белгиланган жамият устав капитали учун белгиланган энг кам микдордан камайиб кетса, жамият устав фондни камайтиришга ҳакли эмас.
45. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш ҳамда Уставга тегишли ўзгартаришлар киритиш тўғрисидаги карор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул килинади.
46. Жамият устав капиталини камайтириш тўғрисида карор қабул қиласар экан, акциядорларнинг умумий йигилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНД ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

47. Жамият акциялари оддий ва имтиёзли турда бўлади, улар хужжатсиз шаклда хисобга олинади. Акцияларга эгалик қилиш хукуки депо-ҳисоб варагидан кўчирма орқали тасдиқланади.
48. Жамият тугатилган тақдирда, унинг мол-мулки тақсимланадиган пайтда, имтиёзли акциялар эгалари оддий акциялар эгалари ўртасида тақсимот амалга оширилишидан олдин ўз акцияларининг номинал қийматини олиш хукукига эга бўладилар.
49. Жамиятнинг ўзи томонидан жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг сотиб олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.
50. Дивидендерлар жамият тасарруфидаги коладиган соғ фойдаладан ва (ёки) ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Айрим турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендерлар жамиятда шу мақсад учун ташкил этилган маҳсус фонdlар хисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Оддий акциялар бўйича жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар барча акциядорларнинг тенг ҳукуқларига риоя килинган холда тўланади.

51. Акциядорлар умумий йигилиши қарорига биноан, дивидендлар пул маблаглари, бошка конуний тўлов воситалари ёки жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.  
Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни жамият қимматли қоғозлари билан тўлашга йўл қўйилмайди.
52. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сони ва турига мутаносиб тарзда таксимланади.  
Имтиёзли акция ҳар йили бир дона акция номинал кийматининг 25 фоизи микдорида биринчи навбатда дивиденд олиш ҳукукини беради.
53. Жамият жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни бир йилда бир марта йил натижаларига кўра тўлади, конун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.  
Оддий акциялар бўйича дивиденд тўлаш, дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби ҳар бир турдаги акциялар бўйича Кузатув кенгаши тавсияси ҳамда молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosasi мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Дивиденд тўлаш муддати — тегишли қарор кабул килинган санадан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.
54. Жамият амалдаги конунчиликка мувофик корпоратив облигациялар ва бошка қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш ҳукукига эга.

## VII. ЖАМИЯТ ФОНДЛАРИ

55. Жамият ўз фаолияти учун зарур бўлган резерв фонди ва бошка фондларни, жумладан, инновацион фаолиятни кўллаб-куватлаш фондини тўлиқ соф фойда ҳисобидан, акциядорлар умумий йигилиши қарори асосида ташкил этади.
56. Жамиятнинг резерв фонди заарларни коплаш, корпоратив облигацияларни тўлаш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ва бошка маблаглар мавжуд бўлмаган ҳолларда жамият акцияларини қайта сотиб олиш учун мўлжалланган. Резерв фонди бошка максадларда фойдаланилиши мумкин эмас.
57. Жамият устав капитали микдорининг камидаги 15 фоизини ташкил этувчи микдорда резерв фонди ташкил этади. Ушбу микдорга етгунча ҳар йили соф фойданинг камидаги 5 фоизи микдорида мажбурий ажратмалар амалга оширилади.
58. Агар резерв фонди тўлиқ ёки қисман ишлатилган бўлса, у мажбурий ажратмалар ҳисобига тикланади.
59. Жамиятнинг резерв фондидан ташқари бошка фондлари кузатув кенгаши тақлифига асосан акциядорлар умумий йигилиши қарори билан ташкил этилади. Ушбу

фондларни шаклантириш ва улардан фойдаланиш тартиби акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

### **VIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ**

60. Жамиятнинг бошқарув органлари куйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йигилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия орган.

#### **Акциядорларнинг умумий йигилиши**

61. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг олий бошқарув органидир.

62. Жамиятнинг йиллик умумий йигилиши ҳар йили молиявий йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

63. Йиллик умумий йигилишда жамият кузатув кенгашини сайлаш, жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги, жамият фойда ва заарларини тақсимлаш, жамиятнинг йиллик ҳисботи ҳамда ижроия орган ва кузатув кенгашининг ривожланиш стратегияси бўйича чоратадбирлар хакидаги ҳисботлари ва бошка хужжатлар кўриб чикилади.

64. Йиллик умумий йигилишдан ташкари ўтказиладиган йигилишлар навбатдан ташкари йигилишлар ҳисобланади.

65. Умумий йигилишни ўтказиш санаси ва тартиби, акциядорларга ҳабар бериш шакли, уларга тақдим этиладиган материаллар рўйхати кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

66. Акциядорлар умумий йигилиши ваколатига куйидагилар киради:

- Уставга ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни янги таҳрирда тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тутатувчи (тутатиш комиссиясини) тайинлаш ва оралиқ ҳамда якуний тутатиш балансларини тасдиқлаш;
- Кузатув кенгаши таркибини ва миқдорини белгилаш, аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тутатиш; уларга тўланадиган мукофот ва компенсация тартиби ва (ёки) миқдорини белгилаш;
- Эълон килинган акциялар сонининг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Устав фондни ошириш ва камайтириш;

- Жамият акцияларини қайта сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиклаш, ижро органини ташкил этиш ва унинг иш тартибини белгилайдиган низомни тасдиклаш;
- Жамият Генераль директори тайинлаш (йоллаш) ва унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш. Бу холда, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида карор қабул қилинади (тегишли органлар розилиги билан);
- Ижроя органга мукофот ва (ёки) компенсация тўлаш тартибини ҳамда узарнинг энг кўп микдорини белгилаш;
- Йил якуни бўйича соғ фойдадан рағбатлантирувчи тўловларнинг микдорини белгиллаш;
- Йиллик ҳисобот, бизнес-режа ҳамда жамиятнинг ўрта ва узок муддатли стратегиясини тасдиклаш;
- Фойда ва зааралар таксимоти;
- Умумий йигилиш регламентини тасдиклаш;
- Акциядорларнинг имтиёзли ҳукукини кўлламаслик тўғрисида карор қабул қилиш;
- Акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган ҳолларда йирик битимларни тузиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- Аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- Дивиденд тўлаш, унинг микдори, шакли ва тартибини белгилаш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиш ва маълумот ошкор этиш шаклини тасдиклаш;
- Ички ҳужжатларни, жумладан бошқарув органдари, ички назорат, дивиденд сиёсати, манфаатлар тўқнажуви тартибини белгиловчи низомларни тасдиклаш;
- Хайрия ёки бегараз ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгиллаш, ушбу ваколатни кузатув кенгашига бериш;
- Аудиторлик ташкилотини, хизмат ҳақи чегарасини, шартнома тузиш (бекор қилиш)ни тасдиклаш;
- Бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларни ривожланиш максадларига мувофиқлигини таҳлил қилиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- Электрон почта (ЭЦП билан тасдикланган холда), вакил орқали овоз бериш ёки видеоконференция орқали йигилиш ўтказиш тартибини белгилаш;

- Аффилланган шахслар билан йирик битимларни ижро органи мустақил равищда амалга ошириши мумкин бүлган фаолият турларини (битимлар мавзусини) тасдиклаш;
  - Кузатув кенгашы хисоботларини эшигиш, жумладан жамиятни бошқариш бүйича конун талабларига риоя этилишини баҳолаш;
  - Конунчиллик ва Уставга мувофик бошқа масалаларни ҳал этиш.
67. Акциядорлар умумий йигилиши ваколатига кирадиган масалалар ижроиа органи ваколатига берилиши мумкин эмас.
68. Акциядор умумий йигилишда шахсан ёки вакили оркали иштирок этиши мумкин. Ваколат ишончнома асосида амалга оширилади. Ишончномада вакил ва ишонч берувчи түгрисидаги маълумотлар (исми-шарифи, яшаш жойи, паспорти маълумотлари) кўрсатилиши лозим. Жисмоний шахсдан ишончнома нотариал тасдикланган бўлиши шарт. Юридик шахс номидан ишончнома раҳбарнинг имзоси ва мухри (агар бўлса) билан тасдикланади. Хорижий акциядорларнинг вакиллари — хисоб комиссияси вакилига ишончноманинг нотариал тасдикланган, белгиланган тартибда легализация ёки апостиль қилинган нускасини тақдим этишлари шарт.
69. Умумий йигилиш ваколатидаги масалалар кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, бундан амалдаги конунчиллик ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳоллар мустасно.
70. Умумий йигилиш қарори, агар конун ва Уставда бошкача белгиланмаган бўлса, йигилишда қатнашган овоз бериш хукуқига эга акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади.
71. Конуннинг тегишли моддаларида (масалан: йирик битимлар, аффилланган шахс билан битимлар каби) кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар овоз берувчи акциядорларнинг умумий йигилишида қатнашган тўртдан уч кисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул килинади.
72. Умумий йигилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул килиш, шунингдек кун тартибига ўзгартариш киритиш хукуқига эга эмас.
73. Қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш натижалари конун ва Уставда белгиланган тартибда акциядорларга, қарор қабул қилинган кундан кечиктирмай 30 кун ичida етказилади.
74. Умумий йигилишида иштирок этиш хукуқига жамият акциядорлар реестрида, йигилиш ўтказиладиган кундан уч иш куни олдин қайд этилган акциядорлар эга.
75. Умумий йигилиш тўгрисидаги хабарнома Корпоратив ахборот ягона порталаида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида чоп этилади ва электрон почта оркали юборилади. Хабар йигирма бир кундан кечиктирмай ва ўттиз кундан эртароқ бўлмаслиги лозим, агар конунчилликда бошкача назарда тутилмаган бўлса,

76. Жамиятнинг овоз бериш хукукига эга акцияларининг жамида камидан бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молиявий йили тутаганидан кейин исталган вактда акциядорлар йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритиш ва жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кўрсатиш хукукига эгадир. Бу номзодлар сони амалдаги Кузатув кенгаши таркибидан ортиқ бўлмаслиги керак.
77. Жамиятнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши Кузатув кенгашининг қарорига асосан, унинг шахсий ташаббуси билан, шунингдек ёзма талаб берилган кунида жамиятнинг овоз бериш хукукига эга акцияларининг жамида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор(лар) ташаббуси билан чакирилади.
78. Жамиятнинг овоз бериш хукукига эга акцияларининг жамида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор(лар) томонидан жамиятнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида талаб тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида Кузатув кенгаши мазкур йигилишни чакириш ёки чакирмаслик тўғрисида қарор кабул қилиши шарт.
79. Акциядорлар умумий йигилиши ваколатли (кворумли) хисобланади, агар рўйхатдан ўтиш якунланган пайтда жамиятнинг овоз бериш хукукига эга жойлаштирилган акцияларининг жамида 65 фоиздан ортиғига эгалик қилувчи акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса. Кворум етарли бўлмаган тақдирда умумий йигилишни қайта чакириш санаси эълон қилинади. Қайта чакирилган умумий йигилишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Қайта чакирилган умумий йигилиш ваколатли хисобланади, агар унда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорлар (уларнинг вакиллари) жамиятнинг овоз бериш хукукига эга жойлаштирилган акцияларининг жамида 60 фоиздан ортиғига эгалик килса.
80. Агар кворум мавжуд эмаслиги сабабли умумий йигилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатта кўчирилса, унда қатнашиш хукукига эга акциядорлар ўтказилмаган йигилишда қатнашиш хукукига бўлган акциядорлар реестри асосида аникланади.
81. Акциядорлар умумий йигилиши баённомаси йигилиш якунланганидан кечинтиrmай 10 кун ичida 2 нусхада расмийлаштирилади. Хар икки нусха йигилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.
82. Акциядорлар умумий йигилишида кабул қилинган қарорлар амалдаги конунчиликда белгиланган муддатларда жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталини жойлаштирилади. Агар жамиятнинг акциялари ва қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка рўйхатига киритилган бўлса, ушбу қарорлар фонд биржаси веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.
83. Миноритар акциядорлар жамиятнинг бошкарув органлари фаолиятига асоссиз хужжатлар сўраб олиш ёки маҳфий маълумотлар ва тижорат сиридан фойдаланиш орқали тўскинилк килмасликлари шарт.
84. Акциядорлар умумий йигилишини ташкил этиш ва ўтказиш билан боялиқ бошқа масалалар амалдаги конунчилик ва жамиятнинг "Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида" ги Низоми билан тартибга солинади.

Кузатув кенгаши

85. Жамиятнинг Кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йигилиши ваколатига кирадиган масалаларни хисобга олмаган ҳолда, Жамият фаолиятининг умумий бошкарувини амалта оширади.

86. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларнга қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш ва жамиятнинг ривожланиш стратегиясини амалга ошириш юзасидан ижроия орган томонидан кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги хисботларни мунтазам эшлиши;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳолларда йиллик ва навбатдан ташқари акциядорлар умумий йигилишларини чакириш;
- акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш;
- акциядорлар умумий йигилишини ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун акциядорлар реестри шакллантириладиган санани белгилаш;
- мол-мulkнинг бозор кийматини аниклашни ташкил этиш;
- кимматли қоғозлар чикарилиши бўйича карор ва эмиссия проспектини тасдиклаш, аввал рўйхатдан ўтказилган кимматли қоғозлар чикарилишларига ўзгартишлар ва кўшимишчалар киритиши;
- аудит текширувани ўтказиши тўғрисида карор кабул килиш (мажбурий аудит ҳамда Халкаро аудит стандартларига мувофик ташки аудитдан ташқари ҳолларда), аудиторлик ташкилотини аниклаш, унинг хизматлари учун тўловнинг зиг юкори микдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (бекор килиш);
- акцияларни жойлаштириш (биржа ва ташкилий норасмий бозорга чикариш) нархини белгилаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъкуллаш. Бунда жамиятнинг кейинги йилги бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабрига кадар Кузатув кенгаши йигилишида маъкулланиши лозим;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертация килинадиган облигациялар чикарилиши, шунингдек жамият корпоратив облигацияларини қайтариб олиш тўғрисида карор кабул килиш;
- тутма кимматли қоғозларни чикариш тўғрисида карор қабул қилиш;
- жамиятнинг йиллик ва чораклик харид рёжа-графиклари, шунингдек импорт килинмокчи бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларининг максадга мувофикалигини кўриб чикиш;
- жамият ижроия органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича ўринбосари ва лойиха офисининг харажатлар сметасини тасдиклаш;
- ижроия органи аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсация микдорларини белгилаш, шунингдек мухим самараодорлик кўрсаткичлари “паст” ёки “қоникарсиз” баҳолангандан ёхуд бизнес-рёжа кўрсаткичлари бажарилмаган ҳолларда, олдинги хисбот йили учун тўланган мукофотларни жамиятга тўлиқ кайтариш масаласини кўриб чикиш, ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва “Ички аудит хизмати тўғрисида” ги Низомни тасдиклаш, шунингдек унинг хисботларини хар чоракда эшлиши;
- ижроия органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, жумладан акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO) жараёнларини сифатли ва ўз вақтида амалга оширгани

- учун алоҳида мукофот тайинлаш ёки амалга оширилмагани учун жавобгарлик чораларини белгилаш;
- кўчмас мулк объектларини сотиб олиш, бериш, қуриш, хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги улушлар ёки акцияларни сотиб олиш ёки бериш, шунингдек ҳар қандай суммадаги мулкни ижарага олиш билан боғлик масалаларни кўриб чикиш;
  - мулк билан боғлик ҳар қандай битимларни кўриб чикиш ва тасдиклаш, агар уларнинг қиймати карор қабул килиниши пайтида 100 000 000 (юз миллион) сўмдан ошса, аммо жамиятнинг соф активлар қийматининг 35 фоизидан ошмаса.
  - Мулкни бериб юбориш, унинг шакли ва амалга ошириш механизми, жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестициялар киритиш бўйича шартномалар (битимлар, контрактлар, меморандумлар ва х.к.) тўғрисида карор қабул килиш;
  - Жамиятижрои органи фаолиятига оид дўйиҷатлар билан танишиш ва уларни Кузатувкенгаш игаюлатилган вазифаларни бажариш мақсадида ижрои органидан олиш шукру. Олинган хўжатлар Кузатув кенгаси ва унинг аъзолари томонидан факат хизмат вазифаларини бажариш мақсадида фойдаланилиши мумкин;
  - Дивиденд миқдори, шакли ва тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;
  - Конунчиликдан азардатутилган ходлар да Жамият аффириланган шахслари билан битимла ртзуиштўғрисида корар кабул килиш;
  - Жамиятнинг резерв ва бошқа фондларидан (дивиденд тўлаш фондидан ташқари) фойдаланиш;
  - Филиаллар ташкил этиш, Жамият ваколатхоналарини очиш ва тутугатиши, шунингдек уларнинг низомларини тасдиклаш, ўзгартиришват ўлдириш;
  - Дочер ва таъсир доирасидаги хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
  - Жамиятнинг тижорат ванотижорат ташкиллардаги ширирокини белгилаш ва шубиширо кабилан боғлик битимларни конунчилик каму вофиктузиш;
  - Корпоратив маслаҳатчими тайинлаш ва унинг фаолият тартибини белгиловчи Низомни тасдиклаш;
  - Жамият раҳбарликлавозимларига ўтказиладигантанловлар регламентини тасдиклаш, ижрои органираҳбарни ва унинг ўринибосарларни лавозимларигатанловзълонкилиш ва ўтказиши;
  - Жамият да корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш шукринга эзгамустакил ташкилотни танл овасосидасайлаш;
  - Хомийлик (хайрия) тартибива шартларни белгилаш; ёки бепулёрдам кўрсатиши (қабул килиш)
  - Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинлашват ўловлар, Этика ва коррупция гаражи кураши шамдазарурат бўлса бошқа ўмита ларни тузни;
  - Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиклаш;
  - Жамиятни "яшил иктисодиёт" га ўтиш жараёнини жадаллаштириш;
  - Жамият датрансформация жараёнини самаралиташкил этиш, ташкикарзларни оптималлаштириш, замонавий харид тизими нижорий этиш, инвестициялойиҳаларини молиялаштириш чунальтернатив манбаларни жалбетиши;

87. Жамият Кузатув кенгаси ваколатига кирадиган масалалар ижрои органи томонидан ҳал килиниши мумкин эмас.

88. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, амалдаги конунчиллик ва ушбу Уставда белгиланган тартибда, Акциядорлар умумий йигилиши томонидан З (уч) йил муддатта сайланади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши 5 (беш) нафар аъзодан иборат.

89. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қайта сайланниши чекланмаган.

90. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари кумулятив овоз бериш оркали сайланади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Кузатув кенгашига сайланниши лозим бўлган аъзолар сонига кўпайтирилади, ва акциядор мазкур овозларни тўлиқ бир номзодга бериш ёки икки ва ундан ортик номзодлар ўргасида таксимлаш хукукига эга. Кузатув кенгаши таркибига энг кўп овоз тўплаган номзодлар сайланган деб хисобланади.

Акциядорлар умумий йигилиши баённомасида, сайланган Кузатув кенгаши аъзоси кайси акциядор манфаатини ифода этаётгани кўрсатилиши лозим.

91. Кузатув кенгаши аъзоларини муддатидан илгари чиқариш тартиби:

Кузатув кенгаши аъзоси қўйидаги асослар мавжуд бўлган тақдирда унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

- Йигилишларда катнашмаслик: агар Кузатув кенгаши аъзоси сабабсиз икки ва ундан ортик йигилиши кетма-кет ўтказиб юборган бўлса;
- Судланганлик ёки тергов: агар Кузатув кенгаши аъзосига нисбатан суднинг айлов хукми чиқарилган бўлса ёки у жинонӣ иш бўйича тергов остида бўлса;
- Виждонлилик тамойилларини бузиш: агар унинг жамиятта нисбатан харакатларининг холислиги бўйича асосли шубхалар мавжуд бўлса;
- Манфаатлар тўкнашуви: агар унинг мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи жиддий манфаатлар тўкнашуви аникланган бўлса;
- Корпоратив этика коидаларини бузиш: агар Кузатув кенгаши аъзоси жамиятнинг корпоратив тамойилларини бузувчи ва унинг ишбилармонлик обрўсига зарар етказувчи харакатлар содир этган бўлса;
- Ихтиёрий равишда ваколатдан воз кечиш — Кузатув кенгаши аъзоси ёзма ариза билан чиқиш ҳақида мурфжаат қилиши мумкин;
- Акциядорлар умумий йигилишининг қарори — акциядорлар Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан илгари бескор қилиш хукукига эга;
- Ишончни йўқотиш — унинг обрўси ва самараали фаолиятига путур етказувчи асосли даъволар мавжуд бўлганда;
- Мажбуриятларни бажаришга лаёқатсизлик — соглиғи ҳолати, узоқ муддатли йўклиги ёки бошка сабабларга кўра.

92. Кузатув кенгаши таркибидан чиқариш тартиби:

- Чиқариш таклифи Кузатув кенгаши томонидан овозлар кўпчилиги билан қабул қилинади ва йигилиш кун тартибига киритилади;

- Чикариш бўйича якуний карор акциядорлар умумий йигилиши томонидан амалдаги конунчиллик ва жамият Уставига мувофик қабул қилинади.

93. Жамиятнинг якка ижроия органи Кузатув кенгашига сайданиши мумкин эмас.

94. Жамиятнинг якка ижроия органи функцияларини амалга оширувчи шахс, унинг дочер ва боғлиқ хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишловчи шахслар ҳамда мазкур жамиятларнинг бошқарув органлари аъзолари жамият Кузатув кенгашига сайданиши хукукига эга эмас. Шунингдек, Кузатув кенгаши аъзолари жамиятнинг ўзида меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишловчи шахслардан таркиб топмаслиги лозим.

95. Жамият Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан ўз таркибида Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилигининг овози билан сайланади.

96. Жамият Кузатув кенгаши Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан ўз раиси қайта сайдаш хукукига эга.

97. Жамият Кузатув кенгаши раиси унинг фаолиятини ташкил этади, Кузатув кенгаши йигилишларини чакириш ва унда раислик килишини амалга оширади, йигилишда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йигилишида раислик килади.

98. Жамият Кузатув кенгаши раиси мавжуд бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

99. Жамият Кузатув кенгаши йигилишлари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камидан бир марта чакирилади. Бундан ташкири, Кузатув кенгаши йигилишлари Кузатув кенгаши раиси ташабbusи билан ёки куйидагилар талабига биноан чакирилади:

- Кузатув кенгаши аъзолари;
- Жамиятнинг Ижроия органи;
- Ички аудит хизмати бошлиги;
- Жамиятнинг камидъ 1 (бир) фоиз oddий акцияларига эгалик килувчи акциядорлари;
- Конунчиллик ва ушбу Уставда назарда тутилган бошка ҳолатлар.

99.1. Кузатув кенгаши аъзоларини йигилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш тартиби:

Кузатув кенгаши йигилиши куйидагилар ташабbusи билан белгиланиши мумкин:

- Кузатув кенгаши раиси;
- Бош директор;
- Корпоратив котиб;
- Кузатув кенгаши ҳар қандай възоси;
- Жамият акцияларининг камидан 1% улушига эгалик килувчи акциядор.

Хабарнома Кузатув кенгаши азоларигай иғилишкунидан камидан кикунолдиню борилишил озим.

Хабар бериш усуллари:

- Почта орқали юбориш;
- Электрон почта (email);
- Ижтимоий тармоклар ёки мессенжерлар орқали;
- Телефон иўнгирори ёки SMS орқали.

Хабарнома кўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Кун тартиби;
- Йигилиш санаси, вақти ва ўтказилиш жойи;
- Йигилиш шакли (анъанавий/сиртдан).

99.2. Кузатув кенгаши йигилишларини ўтказиш жойи:

- Кузатув кенгаши йигилишлари жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтган манзилида ўтказилади;
- Зарур ҳолларда йигилиш жамият тасарруфидаги бўлган ҳар кандай кўчмас мулкда ўтказилиши мумкин;
- Агар жамият акцияларининг 50% дан ортигига эгалик қилувчи акциядор йигилишни ўз рўйхатдан ўтган манзилида ўтказишни таклиф этса, Кузатув кенгашининг тегишли карори асосида ушбу таклиф амалга оширилиши мумкин.

100. Жамият Кузатув кенгаши йигилиши ўтказилиши учун кворум Кузатув кенгаши сайланган аъзолари сонининг етмиш беш фонзидан кам бўлмаслиги керак.

101. Жамият Кузатув кенгаши йигилишида карорлар йигилишда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши йигилишида масалаларни ҳал этишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Уставнинг «32» ва «33»-бандларида кўрсатилган масалалар бўйича карорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан яқдиллик билан қабул қилинади.

102. Жамият Кузатув кенгаши аъзосининг овозини бошка Кузатув кенгаши аъзосига беришга йўл кўйилмайди.

103. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Кузатув кенгаши ранси овози ҳал қилувчи овоз хисобланади.

104. Кузатув кенгаши карорлари барча аъзоларнинг яқдил розилиги билан ёзма сўров йўли (сиртдан овоз бериш) орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.

105. Кузатув кенгаши йигилишида баённома юритилади. Кузатув кенгаши йигилиши баённомаси йигилиш ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирилмай расмийлаштирилади.
106. Кузатув кенгаши йигилиши баённомаси йигилишда катнашган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, ва улар баённома расмийлаштирилиши тўғрилиги учун жавобгар хисобланадилар.
107. Кузатув кенгаши йигилиши баённомаси жамиятнинг ижроия органига, унинг бажарилиши учун, имзоланган кунининг ўзида топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишини чакириш тўғрисида карор кабул килган тақдирда, мазкур карор ҳакидаги маълумот Кузатув кенгаши йигилиши ўтказилган куни ижроия органига етказилади.
108. Акциядорларнинг умумий йигилиши карорига асосан, Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажарган давр учун мукофот тўланиши ва Кузатув кенгаши аъзолари вазифаларини бажариш билан боғлик харажатлари копланиши мумкин. Бундай мукофотлар ва компенсациялар миқдори акциядорлар умумий йигилиши карори билан белгиланади.
109. Кузатув кенгаши йигилишида иштирок этиш Кузатув кенгаши аъзолари томонидан видеоконференцалоқа ёрдамида аудио ва видео ускуналар орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда уларнинг овзлари карор кабул килиш учун сиртдан овоз бериш деб хисобланмайди.
110. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ваколатларини амалга ошириш ва вазифаларини бажаришда Жамият манфаатларидан келиб чиккан холда харакат қилишлари шарт. Улар Жамият ва унинг акциядорлари олдида амалдаги конунчиллик ва ушбу Уставга мувофиқ жавобгарликка эгадирлар.
111. Жамият Кузатув кенгаши хузурида Кузатув кенгаши аъзолари, Ягона ижроия органи, Жамият ходимлари ва жалб этилган мутахассислар (муайян соҳалар бўйича эксперталар, соҳавий олий таълим мұассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат бўлган тегишли масалалар, шу жумладан низоли холатларни аниклаш ва хал этиш учун кўмиталар (ишчи гурухлар) ташкил этилиши мумкин.
112. Кузатув кенгаши ушбу Устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида фаолият юритади.

#### Ижроия органи

113. Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ягона ижроия орган – Бош директор томонидан амалга оширилади.
114. Бош директор билан меҳнат шартномаси (контракт) бир йил мурдатта тузилади ва хар яили албатта янги шартнома тузилиши шарт. Шартнома Жамият номидан Кузатув

кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

Ягона изкроия орган Жамиятнинг изкроия органи хисобланади, у Жамиятнинг жорий фаолиятини бошкаради ва Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши қарорларига мувофик операцион фаолиятини амалга оширади.

115. Ягона изкроия орган томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартларининг кўпол равишда бузилиши, Жамиятнинг тасдикланган бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилмаслиги ёки Жамиятга уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида зарар етказилган холларда, улар билан тузилган шартнома Жамият Кузатув кенгаши қарорига асосан муддатидан олдин бекор килиниши мумкин.
116. Бош директор ваколатлари муддатидан олдин тутгатилган тақдирда, навбатдаги акциядорлар умумий йигилишига кадар унинг вазифалари Кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс томонидан вактинча амалга оширилиши мумкин.
117. Ягона изкроия орган акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал килишга ваколатидир. Жамиятнинг Ягона изкроия органи – Бош директор акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши олдида хисобот беради ва ҳар чоракда бажарилган ишлар юзасидан хисобот тақдим этиши шарт.
118. Жамият изкроия органи раҳбарини (Бош директорни) тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, танлов асосида (тегишли органларнинг розилиги билан) кабул килинади. Бу танловда юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, замонавий фикрладиган, сиёсий ва маънавий етук, маънавий жиҳатдан пок, давлат сиёсатига пухта тушунавчи, давлат тилини яхши биладиган ва замонавий талабларга жавоб берадиган хорижий менежерлар хам иштирок этиши мумкин.
119. Бош директор әкциядорлар умумий йигилиши қарори билан бир йил муддатта сайланади (тайинланади).
120. Бош директор билан меҳнат шартномаси Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.
121. Жамиятнинг Бош директори меҳнат шартномасини ушбу Устав ва амалдаги конунчилликка мувофик тузади.
122. Жамият Бош директорига тўланадиган мукофотлар микдори Жамият фаолияти самараадорлигига бевосита боғлиқ бўлиб, шартнома оркали белгиланиши лозим. Тузиладиган шартнома шартлари Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдикланади.
123. Жамият Бош директори вазифасини бошка ташкилотларнинг бошкарув органларидағи лавозимлар билан биргаликда бажаришига факат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

124. Жамият Баш директори билан тузиладиган шартномада Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича унинг мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси ижроси юзасидан акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши олдида хисобот бериш даврийлиги назарда тутилиши шарт.

125. Баш директор акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этиди.

126. Жамият Баш директори куйидаги ваколатларга эга:

- Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик килиш, мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан берилган ваколатларга мувофик Жамиятнинг самарали ва баркарор ишланини таъминлаш;
- Жамият Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этиш;
- Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар ва ходимларнинг лавозим йўрикномаларини тасдиклаш;
- Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиклаш, акциядорлар умумий йигилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалардан ташкири;
- Кузатув кенгаши розилиги билан маслаҳат овоз хукуки билан катнашиш;
- Ўз ваколатлари доирасида Жамият мулки ва пул маблагларидан фойдаланиш;
- Киймати Жамиятнинг соф активлари кийматининг 15 фоизидан ошмайдиган, лекин 100 000 000 (юз миллион) сўмдан кўп бўлмаган битимларни, шунингдек, ўзаро боғлик битимларни тузиш, шу жумладан мулк сотиб олиш ва бошқа шахсга мулкни ўтказиш;
- Жамиятнинг филиаллари, вакиллуклари, хўжалик жамиятлари ва дочер корхоналари учун мажбурий бўлган карорлар, буйруклар ва фармойишлар чиқариш;
- Жамият номидан ишончномасиз харакат килиш, унинг манфаатларини барча мулк шаклидаги давлат органлари, корхоналар ва ташкилотларда ҳимоя килиш;
- Банкларда хисоб ракамлари, шу жумладан валюта хисоб ракамларини очиш ва Жамиятнинг банк ҳамда бошқа молиявий хужжатларида биринчи имзо хукукига эга бўлиши;
- Мижозлар, корхоналар ва ташкилотлар билан, ваколатлари доирасида шартномалар ва контрактлар имзолаш, ходимларнинг молиявий ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқкан холда улар билан карз шартномаларини тузиш ва тасдиқлаш;
- Амалдаги қонунчилик асосида Жамият номидан ишончномалар бериш;
- Якка ижроия органи қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий хужжатларига мувофик бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

127. Жамият Баш директори куйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг ривожланиш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чикиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил этиш, ижросини назорат килиш;

- Жамият Бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада белгиланган мөндорда фойда олинишини таъминлаш;
- Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш;
- Жамият ходимлари учун ижтиомий кафолатлар ва меҳнатни муҳофаза килишини таъминлаш;
- Жамият фаолиятида Жамият ва унинг ходимлари томонидан конунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;
- Ўз ваколатларига тегишли масалалар бўйича холат тўғрисида акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгашига ўз вақтида ахборот тақдим этиш;
- Акциядорлар умумий йигилишларида катнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича акциядорларнинг барча ҳукукларини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя этиш;
- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларини тўғри юритиш, уларнинг холислигини таъминлаш, йиллик ҳисбот ва бошка молиявий ҳисботларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этиш, Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни акциядорлар, кредиторлар ва бошка манфаатдор шахсларга етказиш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни саклаш;
- Жамият ходимлари томонидан хизмат ва тижорат сири бўлган маълумотларни саклашни таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг билим, малака, тажриба ва кобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;
- Бош директор конунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг мъёрий ҳужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин;
- Бош директорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамият манфаатларига етказилган ҳар кандай зарар, йўқотишлар, шунингдек, ушбу холат туфайли юзага келган жарималар, пенялар ва бошқа мажбурий тўловлар учун Бош директор амалдаги конунчилликка мувофик субсидиар жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- Агар ижроия органи йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартибини бузса ва натижада Жамиятга зарар етказилган бўлса, конунчиликда белгиланган тартибда Бош директорнинг айби исботланса, у Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича, шу жумладан Жамиятнинг мол-мулки старли бўлмаган ҳолда кредиторлар олдидаги қарзни тўлаш юзасидан субсидиар жавобгарликка тортилади.

128. Жамият Бош директори кўйидаги ҳукукларга эга:

- Жамият ходимларини ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласи;
- Уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини кўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сакланишини таъминлайди;
- Барча Жамият ходимлари учун мажбурий бўлган бўйруклар ва фармойишларни чиқаради, кўрсатмалар беради;

- Бош директор конунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофик бошка хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
129. Жамият Бош директори ўз хукукларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб харакат килиши ва белгиланган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олиши шарт.
130. Жамият Бош директори Жамият олдида конунчилик ва ушбу уставга мувофик жавобгарликка эга.
131. Жамиятнинг ягона ижроия органи ушбу Устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдикланган «Ижроия органи тўғрисидаги Низом»га асосан фаолият юритади.

## **IX. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ**

132. Агар Жамият активларининг баланс киймати юз мингта базавий ҳисоблаш микдоридан ошса, Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобот беради.
133. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини назорат килади ва баҳолайди, шунингдек конун ҳужжатлари, Жамият устави ва бошка ҳужжатлар талабларига риоя этилишини мониторинг килиш ва текшириш оркали ижроия органи, филиал ва ваколатхоналар фаолиятини текширади, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларни тўлиқ ва ишончли акс эттирилишини, хўжалик операциялари амалга оширилишида белгиланган қоидалар ва тартибларга риоя этилишини, активларни саклашни ҳамда бошкарувни назорат килади.
134. Ички аудит хизмати Жамиятда ички назоратни амалга оширади, жумладан, Жамият устав капиталидаги улуши 50 фойздан ортикни ташкил этувчи юридик шахслар билан амалга оширилган операциялар устидан назоратни ҳам.
135. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ҳамда Кузатув кенгаши томонидан тасдикланган «Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширади.

## **X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

136. Уставдан келиб чикадиган барча низолар ва келишмовчиликлар амалдаги конунчилик ва ушбу Уставга мувофик акциядорлар ўртасида ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

137. Агар низолар ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, улар белгиланган тартибда суд орқали кўриб чикилади.
138. Жамият акциядорларининг умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши томонидан ушбу Уставга ўз ваколатлари доирасида киритилган барча ўзгартириш ва кўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади ва шу пайтдан бошлаб кучга киради.
139. Агар ушбу Уставнинг бирор моддаси кучини йўкотса, бу ҳолат Уставнинг бошка моддалари амал килишини тўхтатиш учун асос бўлмайди.
140. Агар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида ушбу Уставда назарда тутилганидан фарқли қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги қоидалари кўлланилади.
141. Ушбу Уставда назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

АЖ “PORTLATISHSANOAT”

Бош директори



М.В. Дмитриев